

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

Усмонов Содиқ – ЖДПИ доценти

Эсанбоев Давлатбек – ЖДПИ талабаси

Ушбу мақолада масофавий таълим, масофавий ўқитиш платформалари ва улар орқали таълим бериш йўллари, моделлари ҳамда масофавий таълимнинг ўқув жараёнидаги рўй берадиган камчиликлари ёритилган.

**Таянч иборалар:** масофавий ўқитиш, масофавий таълим, коммуникация, ахборот

В этой статье рассматриваются дистанционное обучение, платформы дистанционного обучения и пути обучения через них, модели и недостатки дистанционного обучения в учебном процессе.

**Ключевые слова:** дистанционное обучение, дистанционное образование, коммуникация, информация.

distance learning platforms and through them in this article ways and models of teaching and learning process of distance learning provides illuminated disadvantages

**Key words:** distance education, distance learning, communication, information.

Таълим тизимида ўқув жараёни янгидан ислоҳ қилиш, янги ахборот технологияларга асосланган ўқитиш усуллари ишлаб чиқиш, уларни кенг жорий қилиш бугунги кун талабидир. Бунда масофавий таълим тизимини жорий қилиш замон талабларидан бирига айланиб қолмоқда.

Мультимедиа интерактив электрон ўқув курслар (**МИЭЎК**) яратишда дастурчиларни ва системавий воситаларни ҳисобга олиш кераклигини айтиб ўтиш зарур. Қуйида таълим берувчи компьютер дастурларида мавжуд бўлиши лозим бўлган имкониятлар рўйхатини келтириб ўтишимиз мумкин:

Фойдаланувчи учун:

1. Ўқув жараёни танишишдан то тўлиқ ўзлаштиришгача ҳар хил даражада ташкил этиш;

2. Ўқитиш мақсадига қараб ўқув материалларини намойиш қилиш имконияти;

Дастурчи учун:

1. Дастурдаги аниқланган изчилликни келтириш;


2. Тушунилиши қийин бўлган тушунчалар рўйхатини тузиб қўйиш;

3. Ўзаро аниқланган тушунчалар ўртасидаги алоқа график моделини тузиш.

**Масофавий таълим (МТ)** - бу янги ахборот ва коммуникацион технологиялар - электрон почта, Интернет, видеоконференция, аудио, видео маълумотлар ва мультимедиа ИЭЎКларга асосланган узокдан туриб(масофали) ўқитиш, ўргатиш усулидир. Бу усулда масофадан бирор янги мавзу ёки предмет бўйича маълумотларни вилоятлардаги ихтиёрий ўқув юртларига узатиш мумкин. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда масофавий таълим орқали ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, хусусан, Moodle ва HemiS платформаларининг таълимга тадбиқ қилиш натижасида талабаларимиз масофавий таълим олиб қилишмоқда.

Агар жойларда бу соҳада янги предметларни ўқитадиган мутахассис бўлмаса масофадан ўқитишдан фойдаланиш ягона усулдир. Мавжуд масофавий ўқитиш моделларини турлари тавсифини келтирамиз(1.1-расм).

*Бирламчи модель.* Масофавий ўқитишнинг бу шаклида кундузги бўлимда бевосита машғулот ўтказиш шарт эмас, барча ўқитиш маълум масофада ташкил этилади. Лекин таълим олувчилар унга биркитилган ўқитувчилар билан доимий алоқада бўладилар. Таълим олувчиларга консултатив ёрдам ва якуний имтиҳон топшириш учун маҳаллий вакиллар ташкил этилади. Бунда ўқув жараёнининг шакл ва усуллари таълим олувчи ва талаба томонидан эркин танланади, ўқув машғулотлари жадвали ва ўқитиш вақти чегараланмайди. Кўпчилик очик университетларда таълим ўқитишнинг бирламчи модели асосида қурилган, масалан, Буюк Британия очик университетида масофавий ўқитишнинг ушбу моделидан фойдаланилади ([http:// www.open.ac.uk](http://www.open.ac.uk)).



1.1-расм. Масофавий ўқитиш моделлари

*Иккиламчи модель.* Таълим муассасасида ўқиш ҳам кундузги таълимда, ҳам қисман кундузги ва қисман масофавий таълимда олиб борилади. Ҳар иккаласида дарс жадвали ва ўқитиш дастури бир хил.

Таълим олувчилар учун назорат бир хил критерия асосида баҳоланади. Таълим муассасасида қўлланиладиган масофавий ўқитишнинг бу иккиламчи модели ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди, чунончи ўқитишнинг асосий қисми таълим олувчилар томонидан қопланади. Масалан, иккиламчи моделдан Австралиянинг университетларида фойдаланиб келинмоқда (<http://www.une.edu.au>).

*Аралашган модель.* Бу модель масофавий ўқитишнинг турли шакллари қамраб олади, тўғрироғи турли масалалар интеграцияси, масалан, таълим олувчилар ўқув материалнинг маълум бир қисмини масофавий ўқитиш билан кетма-кет, бошқа қисмини параллел равишда кундузги бевосита ўқитиш орқали оладилар. Айрим машғулотлар виртуал семинарлар, намойиш (презентация), маъруза шаклида олиб борилади. Таълим муассасаси қанчалик ахборот ва коммуникация технологиялари билан таъминланган бўлса, ўқитиш шакллари турли-туман кўринишда ташкил этилиши мумкин. Ўқитишнинг бу интеграция шаклларида Массей ва Янги Зеландия университетларида фойдаланилмоқда (<http://massey.ac.nz>).

*Консорциум.* Ушбу модель иккита таълим муассасасининг ўзаро алоқасида олиб борилади, яъни ўқув материалларини ишлаб чиқариш ва уларни масофавий ўқитишда айрим функцияларни ўзаро бўлиб олишга асосланади. Биринчи муассаса масофавий ўқитиш учун ўқув материалларини ишлаб чиқиш билан шуғулланса, иккинчи муассаса виртуал ўқув гуруҳларини ўқитиш воситалари ёки масофавий ўқитиш дастури ижросини таъминлайди.

Консорциум қатъий марказий бошқариш, хусусий мулк ва муаллифлик ҳуқуқи белгиланган тарзда таъминланган ҳолда самарали натижа беради.

Ўқитишнинг бу моделидан масалан, Канадада очик Ўқув агентлигида фойдаланиб келинмоқда (<http://www.ola.bc.ca>).

*Франчайзинг.* Масофавий ўқитишнинг франчайзинг тамойилига асосланган бу моделда мулоқотдаги таълим муассасалари ўзаро ўзлари яратган масофавий курсларни алмашадилар. Таълим хизмати бозорида яхши деб топилган маҳсулот эгаси бўлган таълим муассасаси бошқа таълим муассасаларига яратган ўқув курсларини беради, ёхуд масофавий ўқитиш орқали машғулотлар олиб борилади. Ушбу моделнинг характерли жиҳати шундаки, маълум бир таълим муассасасида ўқиш нияти бўлган талаба етук олий муассасанинг консорциуми орқали ўша ҳажмда, лекин юқори сифатли билим ва ўқиш ниҳоясида диплом олиш имконига эга бўлади.

*Валидация.* Масофавий ўқитишнинг бу модели кенг тарқалган ўқитиш шаклларида ҳисобланади. Мулоқотда бўлган барча таълим муассасалари ўзаро тенг даражада масофавий ўқитиш бўйича битим тузадилар. Улар биргаликда масофавий ўқитиш дастури ва курсини яратадилар, бериладиган диплом ва сертификатлар бир хил даражада тан олинади. *Йироқлашган аудитория.* Ушбу моделда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари кенг қўлланилади. Маълум бир таълим муассасасида ташкил этилган ўқув курслари,

маъруза ва семинарлар синхрон телекўрсатув, видеоконференция, радиоалоқа тарзида телекоммуникация каналлари орқали талабалар йиғилган йироқдаги аудиторияларга намойиш қилинади. Бу вазиятда ўқитувчи талабалар йиғилган йирик аудитория билан ишлайди. Масофавий ўқитишнинг бу моделидан АҚШнинг Висконсин университети, худди шунингдек, Хитойнинг Марказий радио ва телевидение университетида фойдаланиб келинмоқда.

*Лойиҳалар.* Масофавий ўқитишнинг ушбу моделидан давлат аҳамиятига молик йирик масшабли лойиҳаларни жорий қилишда фойдаланилади. Ушбу моделда асосий роль ўқув материалларини яратган малакали кадрлар, ўқитувчилар, олимлар йиғилган илмий-методик марказга берилади. Марказда яратилган масофавий курслар у ёки бу мамлакатнинг катта аудиториясига намойиш қилинади. Унда ўқитиш мавсумий бўлиб, ўз мақсадига эришилгандагина тугатилади. Масофавий ўқитишнинг бу курсига мисол қилиб экология, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган янги агротехник усуллар билан таништиришга оид курсларни келтириш мумкин. Масофавий ўқитишнинг лойиҳалаш моделидан Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ташкилотларида кенг фойдаланилмоқда.

Масофавий таълим тизимини жорий қилишда учта йўналишдаги муаммо туғилади:

- Техник: компьютер ва техник қурилмалар билан таъминлаш, алоқа каналларини банд қилиш.
- Ташкилотчилик: юқори малакали бошқарувчи, ўқитувчилар, мутахассислар билан таъминлаш.
- Методик: кўргазмали куруллар, маъруза матни, мультимедиа, анимация, тест маълумотлар билан таъминлаш.

Масофавий таълимни қўллашнинг бир қатор устун ва қулайлик томонлари мавжуд, жумладан:

- Таълим вақти ихтиёрий, талаба ихтиёрий вақтда ўқиши, ўрганиши мумкин.
- Машғулотларни аудиторияда ўтиши шарт эмас.
- Талабаларга мустақил шуғулланишни ўргатади.
- Ўқитувчилардан юқори тайёргарликни талаб қилади.
- Талабалар амалий ва сифатли билимлар олиши мумкин.
- Талабаларнинг мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиши қобилияти ривожланади.
- Талабаларда техник қурилмалар билан, компьютер, Интернет, электрон почта системаларидан фойдаланиш кўникмаси ривожланади.
- Таълимга кетадиган маблағ арзон. Айниқса кам таъминланган оилалардаги иқтидорли ёшларнинг билим олишига янги шароит пайдо бўлади.
- Таълим олиш чегара танламайди, яъни талабалар бошқа жойларда - вилоят, шаҳардан туриб билим олиши мумкин.

МТ нинг ўзига хос элементлари мавжуд бўлиб, булар инструктор (ўқитувчи), талабалар, коммуникация, ўқув материаллари, қурилмалар ҳисобланади. Бунда:

- Инструктор, ўқитувчи - бу махсус мутахассис бўлиб, ўргатувчи ҳисобланади. У тегишли ўқув курсини тайёрлайди, талабаларга, тингловчиларга маслаҳат, саволларига жавоб беради, талабалар билимини назорат қилади.

- Ўқув материали - тегишли ўқув курси, ўқув қўлланма, Интернет, электрон кутубхона ҳисобланади.

- Талаба - бу МТ орқали ўз билимини оширувчи, керакли маълумотларни олувчи шахс, унинг ўзи мустақил шуғулланади, саволлар билан мурожаат қилади, берилган вазифаларни бажаради, ўз билимини текширади.

- Коммуникация - бу алоқа воситаси бўлиб, инструктор билан талабанинг мурожаатини боғловчи кўприк ҳисобланади. У шунингдек талаба билан талаба ўртасида ҳам боғловчи вазифасини бажариши мумкин.

Бундай мақсадда электрон китобдан керакли маълумотни қидириш ёки бирор матнни таҳрирлашга кўчириб олиш ва шу каби мақсадлардан нафақат маълумот тўплаш арзонлаштиради, балки маълумотларни китоб холига келтириш имкониятларини ҳам беради.

Ҳозирда масофали таълимга мўлжалланган интерактив электрон ўқув курслар савдоси билан шуғулланувчи кўплаб компаниялар тузилган. Уларнинг асосий мақсади маълум шаклдаги электрон бозорини ташкил қилиш ва унда кераклича фойда олишдан иборат.

Бундай ўқув қўлланмаларини яратишда ҳозирда бир неча дастурлаш тилларидан фойдаланилади. Жумладан, Macromedia Flash, Microsoft FrontPage, Microsoft PowerPoint, HTML, JavaScript, CSS, PHP ва шу каби дастурлаш тиллари, JSP ва бошқа дастурлаш технологияларидан фойдаланилмоқда.

Бундай дастурлаш тиллари маълум ҳажмдаги ҳужжатларни Internet тармоғи орқали кўриш имкониятини беради. Улар ёрдамида web саҳифага матн, расм, ҳар хил мурожаатлар ташкил қилиш мумкин. Албатта, бундай дастурларни тузишда HTML дастуридан кўра JavaScript дастури имкониятлари катта. У ёрдамида web-саҳифага актив элементлар жойлаштириш мумкин. ИЭЎК яратишда фақат HTML дастуридан фойдаланиш ҳам мумкин. Бу тил орқали ИЭЎКнинг база қисмини, саволлар матни, жавоб вариантлари ва ҳоказоларни тузиш мумкин. HTML дастурлаш тили ҳужжатларни Internet саҳифаларида кўриш имкониятини берувчи ягона тиллардан бири ҳисобланади.

JavaScript дастурлаш тилини танлашда унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

а) JavaScript дастури HTML ҳужжатлари билан ишлаш учун жуда қулай ҳисобланади;

б) Дастурнинг актив ва пасив қисмлари битта ҳужжатда жойлашади. JavaScript – маълум дастурнинг web-браузерда юкланишини интерпретация қилувчи дастур ҳисобланади. Бунда тузилган дастурнинг ишлаш ва юклаш тезлиги ортади ва унинг юкланиши учун махсус дастурларнинг кераги йўқ, бошқа хизмат қилувчи воситалари браузернинг ўзида жойлашган бўлади.

в) JavaScript дастури худди Java дастури каби барча web браузерларда ишлай олиш имкониятига эга, лекин Javaга нисбатан JavaScriptда дастур тузиш қулай ва осондир.

Ўз-ўзини бошқариш тизимини ташкил этишда CGI – интерфейсидан фойдаланиш ҳам мумкин, лекин бусиз ҳеч қачон локал тармоқда ўз-ўзини бошқариш тизимидан фойдаланиш имкони бўлмас эди. Шунинг учун JavaScript дастурлаш тили танланган.

ИЭЎКда фойдаланилган GIF ва JPG кенгайтмали файлларни ташкил этиш, оптималлаштириш ва тахрирлашда Adobe Photoshop 7.0 дастуридан фойдаланилади. Бу дастур орқали реклама расмларини йиғиш ва тахрирлаш, баъзи расмларга ишлов бериш, ранглар киритишда фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда яратилаётган ахборот-ўқитиш воситалари талабаларнинг анъанавий таълим шакли каби масофавий ўқитиш тизимида кенг қўлланилмоқда. Ишлаб чиқиляётган ўқув материаллари кундузги бўлим талабалари учун мустақил ишлаш даражасини оширади ва шу билан биргаликда ўқитувчи учун кўп қийинчилик юкламайди. Ҳозирда юқорида санаб ўтилган ИЭЎК яратишнинг баъзи асос ва талабларига жавоб берувчи электрон ўқув қўлланмалари яратиш масофавий таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг бажараётган изланишларимизда юқоридаги имкониятлар тўлиқ бўлмаса-да, кўриб ўтилган. Ушбу дастур асосида ташкил қилинадиган бошқа дастурлар учун фойдаланувчининг баъзи имкониятлари ҳисобга олиниши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Полат Е.С. Дистанционные обучение: организационные и педагогические аспекты. ИНФО, 1996, №3.
2. Поляков А.А. Системы дистанционного обучения //Новые знания, 1996, № 3, –С. 34–35.
3. Тайлақов Н.И. Масофали ўқитиш курсларининг модель ва шакллари // Халқ таълими. –2004. –№2. –Б. 85–89.
4. Тайлақов Н.И. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида масофадан ўқитишни жорий қилишнинг истикболлари// Международная научно–практическая конф. «Применение Internet в учебном процессе». Тез. докл. Москва – Ташкент. –2002. С.–42–43.
5. Усмонов М. Мультимедиа мухитида ўқитиш курсларини ишлаб чиқиш. Материалы Межзональной научно-теоретической конференции Иктидорли талабаларнинг “Ёшлар ва замонавий техника ва технологиялар” Жиззах 28-29 март, 2008. 370 б. Жиззах. 2008, 322-324 б.